

**Ярашув тўғрисидаги аризада кўрсатилган ҳолатлар судда текширилмаганлиги ажримни бекор қилинишига сабаб бўлган.**

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2004 йил 30 июлдаги ажримига асосан ярашув тўғрисидаги суд мажлиси баённомаси тасдиқланиб, жиноят иши тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2004 йил 28 декабрдаги ажрими билан суднинг ярашув тўғрисидаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун юборилган.

Суднинг ажримида кўрсатилишича, А. 2004 йил 23 июнь куни соат 22 ларда отаси Р.га тегишли автомашинани Янгийўл тумани, Халқобод кўрғони йўналиши бўйича амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12.1-моддасининг 3-қисми талабларини бузган ҳолда бошқариб келаётганлиги оқибатида автомашина билан велосипедда ҳаракатланаётган вояга етмаган М.ни уриб юбориб, унга ҳаёти учун хавфли бўлмаган ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан биринчи босқич судида кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг раёсати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 8-бандида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, қонунда суд муҳокамасини олиб боришнинг алоҳида тартиби ҳамда ярашув туфайли ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида суд аниқлаши шарт бўлган ҳолатлар доираси белгиланган, 9-бандида эса ярашганлиги сабабли суд

ажрим чиқаришда Жиноят-процессуал кодекснинг 586-моддасида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этиши шартлиги белгиланган.

Суд жиноят ишини ҳал этишда Олий суд Пленуми қарорининг бу талабларига риоя қилмаган.

Суд мажлиси баённомасидан кўринишича, суд муҳокамаси даврида ЖПК 585-моддасининг талабларига зид равишда:

жабрланувчи вакили С.нинг дастлабки тергов давридаги ярашув тўғрисида ёзган аризаси ўқиб эшиттирилмаган;

С.нинг А. билан ярашганлигининг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари; етказилган зарарнинг ўрни қопланган-қопланмаганлиги;

тарафларнинг ярашишлари учун бирон бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлиги текширилмаган.

Жиноят-процессуал кодекснинг 586-моддаси 4-қисмининг 1-бандига кўра, ажримнинг резолютив қисмида суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш назарда тутилган бўлса-да, суд терговчининг «ишни судга юбориш тўғрисидаги қарори»ни тасдиқлаб, қайд этилган Қонун талабини бузган.

Шунингдек, кассация инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги қарори 27-бандининг юқори босқич суди судлар томонидан жиноят судлов ишларини юргизишда жабрланувчининг иштирокини тартибга солувчи қонунларга риоя қилинганлигини синчиклаб текшириши лозимлиги ҳақидаги талаби ҳам бажарилмаган.

Жабрланувчи С. кассация тартибида берган шикоятда А. нинг ишини судда кўрилиши тўғрисида унга хабар қилинмаганлиги, 2004 йил 30 июлда ўтказилган биринчи инстанция суди мажлисида қатнашмаганлиги, ярашув ажрими унинг иштирокисиз чиқарилганлиги, дастлабки тергов даврида

терговчи Г. алдов йўли билан ундан А. билан ярашганлиги тўғрисида ариза ёздириб олганлигини кўрсатиб ажримни бекор қилишни сўраган.

Бироқ кассация инстанция суди жабрланувчи С.ни чақириб, ушбу ҳолатларни аниқлаш чораларини кўрмаган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг раёсати 2005 йил 30 майдаги қарори билан протестни қаноатлантириб, мазкур жиноят иши бўйича чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи босқич судида кўриш учун юборган.

***5р-17-05 сонли қарор***

